

ХАРАЖАТ ВА ЗАРАРЛАРНИНГ ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МУАММОЛАРИ

Равшанов Алишер Бобоқулович
ҚарМИИ катта ўқитувчиси

Аннотация

Мақолада хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида амалга ошириладиган харажатлар ва фаолиятдан кўрилган зарарлар тушунчаларининг фарқли жиҳатлари, уларни ҳисобга олишнинг ўзига хос хусусиятлари ва турлари ёритилган.

Калит сўзлар: харажат, харажатларни гуруҳлаш, капитал харажатлар, асосий харажатлар, молиявий харажатлар, зарар, асосий фаолиятдан зарар, молиявий фаолиятдан зарар, фавқулоддаги зарар.

Кириш

Бозор иқтисодиётига асосланган шароитида хўжалик субъектининг тўлов қобилиятини таъминлаш бухгалтерия ҳисобининг асосий вазифаларидан биридир. Бундай шароитда субъектларнинг даромад олишини ўзи кифоя қилмайди. Чунки, хўжалик субъектининг мажбуриятлари буйича тўлов қобилиятига эга бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Самарали фаолият кўрсатувчи хўжалик субъектлари ўз ишчиларига ўз вақтида иш хаки тўлашни, мол етказиб берувчилар билан ҳисоблашишни, солиқларни ўз вақтида ўтказишни, қарзлар буйича фоизларни тўлашни, келгуси фаолиятига инвестиция қилишни ва акционерларга даромадни таъминлаши керак.

Хўжалик юритувчи субъектларни ўз вақтида мажбуриятлар бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириши эса бевосита уларнинг даромадлар ва харажатларни нисбатига (рентабеллигига) боғлиқдир. Яъни, бунинг учун хўжалик субъектлари фаолияти давомида даромадларга нисбатан харажатлар салмоғини камайтириш чораларини ҳам ишлаб чиқиши ҳамда уларга қатъий амал қилиши талаб этилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналарнинг бир текисда узлуксиз фаолият юритиши ва иқтисодий ривожланиши, улар томонидан амалга ошириладиган харажатларга ва фаолият натижасида кўрилган зарарларига боғлиқ бўлади. Шу нуқтаи назардан, уларни тан олиш ва ҳисобда тўғри акс эттириш бухгалтерия ҳисобининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасида харажатлар ҳисобини ташкил этиш ва уларни гуруҳлаш асосан, амалдаги Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонуни ва Вазирлар маҳкамасининг “Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби

ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги” Низом билан тартибга солинади.

Харажатлар ва зарарларни тан олиш, бухгалтерия ҳисобида тўғри акс эттириш, ҳисобга олувчидан аввало, бу тушунчаларни моҳиятини тўғри англашни ва тавсифлашни талаб этади.

Адабиётлар шарҳи

Вазирлар маҳкамасининг “Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги” Низомда харажатларнинг гуруҳланиши ва таркибий қисмлари батафсил ёритиб берилган.

Харажатлар ва зарарлар тушунчаси “Молиявий ҳисоботларни тайёрлаш ва тақдим этиш учун концептуал асос” деб номланувчи бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (БҲМС)да етарлича ёритиб берилган бўлиб, “Уларлар одатда пул маблағлари, моддий заҳиралар, иншоотлар, ускуналар ва бошқалар сингари активларнинг чиқиши ёки улардан фойдаланиши шаклида бўлади. Зарарлар иқтисодий фойданинг камайганлигини билдиради ва ўз табиатига кўра бошқа харажатлардан фарқ қилмайди ва концептуал асоснинг алоҳида қисми деб ҳисобланмайди”[1] деб қайд этилган.

1-БҲМС (Молиявий ҳисоботларни тақдим этиш)да “Фойда ёки зарар – бу бошқа умумлашган даромаднинг таркибий қисмларидан ташқари жами даромаддан харажатлар чегирилганидан кейин қолган натижа”[2] эканлиги таъкидланган.

Бизнинг фикримизча харажатлар ва зарарлар тушунчалари бир биридан фарқ қилиб, бу фарқни уларни вужудга келишида, тан олинимида ва счётларда акс эттирилишида кўришимиз мумкин.

Зарар – бу [хўжалик](#) фаолиятидан кўрилган йўқотишларнинг [пул](#) шаклида ифода этилишидир.

Хўжалик юритувчи субъект харажатларининг олинган даромаддан ортиб кетиши натижасида юз беради. Яъни, қопланмайдиган (қайтарилмайдиган) харажатлардир. У моддий ва пул ресурсларининг камайишини келтириб чиқаради.

Тадқиқот методологияси

Илмий адабиётлар ва меъёрий ҳужжатларни таҳлил қилиш харажатлар ва зарарларни характерловчи кўрсаткичларга берилган таърифлар ва тушунтиришлар ўрганилиб, уларни МҲХС талабларига мослаштириш масалари методик жиҳатдан тадқиқ қилинди. Харажатлар ва зарарларнинг бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш бўйича таклифлар берилган. Тадқиқотни амалга оширишда индукция, дедукция ва статистик жадвал ва солиштирма таҳлил усулларида фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Харажатлар деганда активларнинг сарфланиши ёки улардан фойдаланиш шакли тушунилиб, харажатлар фаолият натижасидан олинган даромадлар таркибида корхонага қайтади. Яъни, улар бутунлай йўқолмайди ёки корхона фаолиятидан четлашмайди.

Харажатларни зарарлардан фарқли томонларини уни ўзига хос қуйидаги хусусиятларида кўришимиз мумкин:

биринчидан, харажатлар ва уларнинг алоҳида моддалари хўжалик юритувчи субъект фаолияти турига бевосита боғлиқ бўлиб, бу активларнинг сарфланиши ёки улардан фойдаланиш мақсадларида намоён бўлади ва харажат деб тан олинади;

иккинчидан, хўжалик фаолиятида амалга ошириладиган харажатлар олдиндан кутилади,

режалаштирилади ва у хўжаликнинг даромад олишини таъминлайди;

учинчидан, хўжалик фаолиятида амалга ошириладиган харажатлар, харажат объекти таннархига киритилади ёки активнинг янги баҳосини шакллантиради.

Зарарлар деганда эса, активларнинг камайиши тушунилиб, улар харажатлардан фарқли равишда олдиндан режалаштирилмайди ва аниқ ўлчамини ҳам белгилаб бўлмайди. Уларни корхона фаолиятига қайтиши яъни, олинadиган даромадлар таркибида қайтиши ҳам кутилмайди. Яъни, улар корхона фаолиятидан бутунлай четлашади ва фойдаси ҳисобидан қопланади.

Зарарларни харажатлардан фарқли томонларини уни ўзига хос қуйидаги хусусиятларида кўришимиз мумкин:

биринчидан, хўжалик фаолиятидан кўриладиган зарарлар олдиндан режалаштирилмайди, аниқ ўлчамини ҳам белгилаб бўлмайди ва у хўжаликнинг даромад олишини бевосита таъминламайди. Аксинча, хўжалик фаолиятдан четлашади;

иккинчидан, зарарлар ва уларнинг турлари хўжалик юритувчи субъект фаолияти турига бевосита боғлиқ бўлмайди. Балки, хўжалик операциялари бошқарувини ва маблағлар назоратини нотўғри ташкил этиш ҳисобидан келиб чиқади;

учинчидан, хўжалик фаолиятидан кўрилган зарарлар якуний молиявий натижа (фойда) ҳисобидан қопланади.

21-БҲМСда зарарларни ҳисобга олиш учун қисман алоҳида счётлар белгиланган бўлиб, бу счётлар хўжалик фаолиятида содир бўлиши мумкин бўлган зарарлар тўлиқ қоплаб олмаган. Бунга мисол тариқасида муддати ўтказиб юборилган мажбуриятлар учун ҳисобланган жарималарни келтириш мумкин. Амалдаги счётлар режасида бу унумсиз (қайтмайдиган) харажатни ҳисобга олиш учун 9430-“Бошқа операцион харажатлар” счёти белгиланган.

Харажатларни молиявий ҳисоботнинг элементи сифатида турли белгилари бўйича таснифлаш мумкин.

Қайси тармоқда амалга оширилишига кўра; қурилиш тармоғида, қишлоқ хўжалик тармоғида, саноат тармоғида, хизмат кўрсатиш тармоғида, автотранспорт тармоғида ва х.к. тармоқларда амалга оширилган харажатларга бўлинади.

Харажатлар қайси фаолият турида амалга оширилишига кўра; асосий фаолиятни амалга ошириш учун қилинган харажатлар ва молиявий фаолиятни амалга ошириш учун қилинган харажатларга бўлинади.

Харажатлар қайси ҳисоб объектларида амалга оширилишига кўра; капитал харажатлар, асосий фаолият харажатлари, давр харажатлари ва молиявий харажатларга бўлиш мумкин.

Бухгалтерия ҳисобида асосий фаолиятни амалга ошириш учун қилинган харажатлар ва молиявий фаолиятни амалга ошириш учун қилинган харажатларни режалаштириш ҳамда уларни ҳисобини тўғри ташкил этиш муҳим вазифа ҳисобланади. Чунки, бу харажатларни салмоғи корхона фаолияти натижасида олинadиган даромадларга бевосита таъсир этиб, у корхонанинг келгусидаги истикболини белгилаб беради.

Капитал харажатлар ўз ичига қуйидаги харажатларни олади:

- ишлаб чиқариш учун зарур бўлган асосий фондларни сотиб олиш, шакллантириш ва улар билан боғлиқ харажатларни;

- ишлаб чиқариш учун зарур бўлган номоддий активларни сотиб олиш, шакллантириш ва улар билан боғлиқ харажатларни;

- ўрнатиладиган асбоб-ускуналарни сотиб олиш, шакллантириш ва улар билан боғлиқ харажатлар;

- асосий воситалар ва бошқа активларнинг чиқиб кетиши билан боғлиқ харажатларни;
- капитал қуйилмаларни амалга ошириш ва улар билан боғлиқ бошқа харажатлар.

Асосий харажатлар ўз ичига қуйидаги харажатларни олади:

- товар-моддий захираларини сотиб олиш, ташиб келтириш, саралаш, қадоқлаш, сақлаш, етказиб бериш ва у билан боғлиқ харажатларни;

- ишчи ва хизматчиларга иш ҳисоблаш ва тўлаш билан боғлиқ харажатлар;
- ижтимоий солиқ харажатлари;
- асосий фондларни амортизацияси харажатлари;
- суғурта харажатлари;

- асосий фаолиятга хизмат кўрсатувчи бўлимлар (ёрдамчи, умумишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатувчи хўжаликлар) ва уларни сақлаш харажатлари;

- асосий фаолият билан боғлиқ ва ишлаб чиқаришни бошқариш, унга хизмат қилиш билан боғлиқ бўлган давр харажатларини олади.

Молиявий фаолиятни амалга ошириш учун қилинган харажатлар ўз ичига қуйидаги харажатларни олади:

- узоқ ва қисқа муддатли инвестицияларни сотиб олиш, шакллантириш ва улар билан боғлиқ бошқа харажатлар;

- узоқ муддатли дебиторлик қарзлари ва кечиктирилган харажатлар бўйича сарфларни;

- қисқа муддатли инвестицияларни сотиб олишга, сотиб олиш билан боғлиқ харажатларни ва бошқа молиявий фаолият бўйича бошқа харажатларни олади.

Зарарларни ҳам молиявий ҳисоботнинг элементи сифатида турли белгилари бўйича таснифлаш мумкин.

Зарарлар қайси тармоқда кўрилганлигига (вужудга келганлигига) кўра; қурилиш тармоғида, қишлоқ хўжалик тармоғида, саноат тармоғида, хизмат кўрсатиш тармоғида, автотранспорт тармоғида ва ҳ.к. тармоқларда амалга оширилган харажатларга бўлинади.

Зарарлар қайси фаолият турида вужудга келганлигига кўра; асосий фаолиятдан кўрилган зарарларга ва молиявий фаолиятдан кўрилган зарарларга бўлинади ва ҳ.к.

Зарарлар қайси ҳисоб объектларида вужудга келганлигига кўра; узоқ муддатли активлардан фойдаланиш билан боғлиқ зарарлар, жорий активлардан фойдаланиш билан боғлиқ кўрилган зарарлар, активларни қайта баҳолаш билан боғлиқ кўрилган зарарлар, узоқ ва қисқа муддатли қарз мажбуриятлари билан боғлиқ кўрилган зарарларга бўлиш мумкин.

Бухгалтерия ҳисобида асосий фаолиятдан кўрилган зарарларни ва молиявий фаолиятдан кўрилган зарарларни тан олиш ва ҳисобини тўғри ташкил этиш муҳим вазифа ҳисобланади. Чунки, бу зарарлар салмоғи корхонанинг якуний молиявий натижасига бевосита таъсир этиб, унинг соф фойдасини камайтиради. Корхонанинг молиявий аҳволини ёмонлаштиради.

Асосий фаолиятдан кўрилган зарарлар ўз ичига қуйидаги зарарларни олади:

1. Узоқ муддатли активлардан ва уларнинг чиқиб кетишидан кўрилган зарарлар:
 - а) асосий воситалар ва номоддий активларни чиқиб кетишидан кўрилган зарарлар;
 - б) урнатиладиган асбоб-ускуналарни чиқиб кетишидан кўрилган зарарлар;
 - в) капитал қуйилмаларни амалга оширишдан кўрилган зарарлар;
2. Жорий активлардан ва уларни чиқиб кетишидан кўрилган зарарлар:

а) товар-моддий захираларини ва бошқа активларни сотишдан ҳамда бошқа кутилмаган чиқиб кетишларидан кўрилган зарарлар;

б) меҳнатга ҳақ тўлаш билан боғлиқ зарарлар;

в) олинадиган счётлар бўйича кутилмаган зарарлар ва асосий фаолият бўйича бошқа зарарларни олади.

Молиявий фаолиятдан кўрилган зарарлар ўз ичига қуйидаги зарарларни олади:

а) узоқ ва қисқа муддатли инвестициялардан кўрилган зарарлар;

б) узоқ муддатли дебиторлик қарзларидан кўрилган зарарлар;

в) устав капиталини шакллантиришда валюта курси фарқидан зарарлар ва молиявий фаолият бўйича бошқа кўрилган зарарларни олади.

Бизнингча, харажатларни ва зарарларни ўзида ифодаловчи счётлар ўртасида ҳам сезиларли фарқлар мавжуддир. Амалдаги Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (21-БҲМС)-“Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби Счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича Йўриқнома” да харажатларни ҳисобга олувчи счётлар ҳар бир харажат объекти бўйича, масалан асосий воситаларни сотиб олиш ва модернизация қилиш учун қилинган харажатларни ҳисобга олиш учун 0800-“Капитал қуйилмаларни ҳисобга олувчи счётлар” актив счёти, ишлаб чиқаришга қилинган харажатларни ҳисобга олиш учун 2010, 2310, 2510, 2710 ва бошқа актив ёки транзит счётлар белгиланган. Лекин, хўжалик фаолиятидан кўрилган зарарларни ҳисобга оладиган счётлар амалда бўлган 21-БҲМСда етарлича белгилаб берилмаган.

Ҳозирги амалда бўлган 21-БҲМСда фақат битта хўжалик фаолиятидан кўрилган зарарларни ҳисобга оладиган транзит счёт мавжуд бўлиб, бу счёт 9620- “Валюта курси фарқидан зарарлар” счётидир.

Бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик юритувчи субъектларни янада ривожлантирадиган ва улар фаолиятини янада такомиллаштирадиган кўрсаткичлардан бири, бу унинг оладиган соф фойдаси кўрсаткичи ҳисобланади. Хўжаликлар юқори даражадаги фойда кўрсаткичига эга бўлиши учун бозордаги товарлар, ишлар, хизматларга бўлган талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда ўз фаолият турларини кенгайтирадилар, айрим ҳолатларда ҳатто ўзгартирадилар ҳам. Бу тарздаги фаолиятни кенгайтириш ва ўзгартиришлар мулк эгасидан катта таввақалчиликни талаб қиладики, бу ўз навбатида хўжалик фаолияти натижасида кўриладиган кутилмаган зарарларнинг турларини ҳам вужудга келишига ёки аксинча, кутилмаган фойдани олинишига сабаб бўлади. Шу нуқтаи назардан, мулк эгаларини ва ундан манфаатдор томонларни харажатлар ва зарарларни бир-биридан фарқлашга ва улар тўғрисида етарлича маълумотларга эга бўлишини таъминлаш мақсадида, счётлар режасининг V қисми - “Молиявий натижаларни шакллантириш ва ишлатилиши”да жойлаштирилган 9700- “Фавқулуддаги фойда (зарар)ларни ҳисобга олувчи счётлар” счётини номланишини “Зарарлар ва фавқулуддаги фойда (зарар)ларни ҳисобга олувчи счётлар” номланишига ўзгартириб, бу счёт таркибида қуйидаги зарарларни ҳисобга олувчи счётларни киритилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

9710 - “Асосий фаолият бўйича зарарларни ҳисобга олувчи счётлар” транзит синтетик счёти таркибида:

9711 – “Товар-моддий захираларини ва бошқа активларни сотишдан ҳамда бошқа кутилмаган чиқиб кетишларидан кўрилган зарарлар”;

9712- “Меҳнатга ҳақ тўлаш билан боғлиқ зарарлар”;

9713- “Олинадиган счѣтлар бўйича кутилмаган зарарлар ва асосий фаолият бўйича бошқа зарарларни олади”.

9714- “Асосий воситаларни ва номоддий активларни чиқиб кетишидан кўрилган зарарлар”;

9715 – “Урнатиладиган асбоб-ускуналарни чиқиб кетишидан кўрилган зарарлар”;

9716 – “Капитал куйилмаларни амалга оширишдан кўрилган зарарлар”;

9719 - “Асосий фаолият бўйича бошқа кўрилган зарарлар”.

9720- “Молиявий фаолиятдан кўрилган зарарларни ҳисобга олувчи счѣтлар” транзит синтетик счѣти таркибида:

9721 – “Узоқ ва қисқа муддатли инвестициялардан кўрилган зарарлар”;

9722- “Узоқ муддатли дебиторлик қарзларидан кўрилган зарарлар”;

9723 - “Устав капиталини шакллантиришда валюта курси фарқидан зарарлар”;

9729 - “Молиявий фаолият бўйича бошқа кўрилган зарарлар”.

9730 – “Фавкулуддаги фойда”.

9740- Фавкулуддаги зарар”.

Бу счѣтларни жорий этилиши 9430 - “Бошқа операцион харажатлар” счѣтнинг бажарадиган вазибаларини бир оз енгиллаштириб, 9430-счѣтнинг қопланмайдиган (қайтмайдиган) харажатларини, яъни кутилмаган зарарларини ҳисобга олинишини таъминлайди. Худди шунингдек, фойда солиғига қайта қўшиладиган харажатларни ҳам тезкор аниқлаш имконини беради. Ҳисоб-китоб ишларини енгиллаштиради.

Хулоса ва таклифлар.

Хулоса қилиб айтганда, хўжалик юритувчи субъектларнинг асосий мақсади режалаштирилган фойда меъёрини олишдир. Режалаштирилган фойда меъёрини олиш кўп жиҳатдан даромадни оширишга эмас балки, харажатларни камайитиш, кўтилмаган зарарларни олдини олишга боғлиқ бўлиб, уларни тўғри таснифлаш, тан олиш ва ҳисобга олинишини тўғри ташкил этиш бухгалтерия ҳисобининг асосий масалаларидан бири ҳисобланади. Харажат ва зарарлар ҳисобини тўғри ташкил этиш фойда тўғри аниқлаш билан бирга уларни таҳлил қилиш ҳамда келгусида харажатларни камайитиш, зарарларни олдини олиш имкониятини ҳам беради.

Шу сабабдан ҳам харажатлар ва зарарлар ҳисобини илмий жиҳатдан ўрганиш ва уларнинг ҳисобга олинишини такомиллаштириш долзарб масалалардандир.

Ўрганишлар натижасига кўра хўжалик субъектининг харажат ва зарарларини тўғри таснифлаш, ҳисобини тўғри ташкил этиш, уларни камайитиш ва зарарларни олдиндан олиш мақсадида бажариладиган ишлар юзасидан қуйидаги таклифлар тавсия этилади:

- хўжалик фаолиятида содир бўладиган харажатларни ва кўрилган зарарларни тўғри таснифлаш орқали уларни ҳисобини тўғри ташкил этиш;

- харажатларни ҳисоб объектларига тўғри киритилишини таъминлаш, назорат қилиш шунингдек, счѣтларда тўғри акс эттириш ҳамда тан олинишини таъминлаш;

- кўрилган зарарларни ҳисобини тўғри ташкил этиш орқали уларни таҳлил қилиш ва келгусида зарарларни содир бўлмаслигини олдини олиш;

- хўжалик фаолиятида содир бўладиган харажатларни ва кўрилган зарарларни ҳисобини МҲХСга яқинлаштириш мақсадида амалиётда МҲХС элементларини қўллаш ва такомиллаштириш.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари. Т.: Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар Миллий Ассоциациясининг нашриёт-ахборот Маркази нашриёти, 2009 й.
2. IAS-1 (БҲХС-1 “Молиявий ҳисоботларни тақдим этиш”. <https://www.icrau.co.ug/sites/default/files/Resources/IPSASB-HandBook-2018-Volume-1>.
3. А. Сотиволдиев, Д. Сотиволдиева, Д. Шодибекова. Бухгалтерларнинг изоҳли луғати. Т.: “Норма” нашриёти, 2010.
4. Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (21-БҲМС) Т.: “Иқтисодий ва ҳуқуқ дунёси” нашриёт уйи, 2005.
5. Аминов Ф.Б. (2022). НАПРАВЛЕНИЯ РАЗВИТИЯ ПРОИЗВОДСТВЕННОЙ КООПЕРАЦИИ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН. Экономика и социум, (10-1 (101)), 232-237.
6. Аминов, Ф. Б. (2022). УСЛОВИЯ ФОРМИРОВАНИЯ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН.
7. Эгамбердиева, С. Р. (2021). ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР ЖАРАЁНИДА ИНВЕСТИЦИЯЛАР ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ. Экономика и финансы (Узбекистан), (4 (140)), 42-47.
8. Эгамбердиева, С. Р. МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИГА ЎТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ВА АҲАМИЯТИ.« ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТ: МУАММО, ТАҲЛИЛ ВА РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ» Халқаро илмий-амалий анжуман илмий мақолалар тўплами 20-21 май 2021 й, 460.
9. Jumayeva, G. J. R., & qizi Sulstonova, M. O. (2022, December). FERMER XO ‘JALIKLARINING MOLIYAVIY NATIJALARGA TA’SIR QILUVCHI OMILLARNI HISOBLASH YO ‘LLARI. In *INTERNATIONAL CONFERENCES* (Vol. 1, No. 18, pp. 127-130).
10. Tursunov, I., Jumayeva, G., & Ostanov, K. (2017). Features of innovation development of the economy Uzbekistan. In *International conference on scientific development in North America* (pp. 43-49).
11. Равшанов А. Д. Абдисалом Дусиёрович, Хасанов Шамсиддин Хафизович, & Алимханова Нигора Алимхановна (2018). Қишлоқ хўжалигини инвестицион-инновацион ривожлантириш имкониятлари ва истиқболлари. Экономика и финансы (Узбекистан), (11), 9-14.
12. Murodova, N. U., Temirova, F. S., Alimkhanova, N. A., Dostova, M. K., & Azimova, K. E. IMPROVING THE CALCULATION OF INVENTORIES OF GOODS IN ACCOUNTING.
13. Эргашева, Н. (2022). ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИДА ҲИСОБ СИЁСАТИНИНГ ТАШКИЛИЙ-УСЛУБИЙ ТАЪМИНОТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ. *Innovatsion texnologiyalar*, 1(04), 108-111.
14. Azimova, N. E. (2022). ISSUES OF DEVELOPMENT OF FOREIGN TRADE WITH THE HELP OF FOREIGN INVESTMENTS. *Gospodarka i Innowacje.*, 29, 183-188.
15. Эгамбердиевна, А. Ҳ. (2021). ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШДА ҲУҚУҚИЙ ВА ИНСТИТУЦИОНАЛ АСОСЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ. *Журнал Инновации в Экономике*, 4(5).

16. Azimova, H. E. (2022). INCREASING INVESTMENT ATTRACTIVENESS OF REGIONS. *Gospodarka i Innowacje.*, 29, 178-182.
17. Azimova, H. E. (2022). ISSUES OF DEVELOPMENT OF FOREIGN TRADE WITH THE HELP OF FOREIGN INVESTMENTS. *Gospodarka i Innowacje.*, 29, 183-188.
18. Музаффарова, К. З. (2021). МИНТАҚА ИҚТИСОДИЁТИГА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШ ҲОЛАТИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ. *Архив научных исследований*, 1(1).
19. Музафарова, К. З. (2019). Роль иностранных инвестиций в развитии национальной экономики Узбекистана. *Экономика и предпринимательство*, (1), 411-414.
20. NORMAMATOVICH, K. O., EGAMBERDIYEVNA, A. K., & HAKIMOVICH, B. K. Creating a Favorable Environment for Attracting Foreign Investment and Strengthening Its Legal Framework. *JournalNX*, 6(05), 53-56.
21. Khakimovich, B. K. . (2022). Development of Private Capital Financial Statement Audit Methodology in Accordance with International Standards. *European Multidisciplinary Journal of Modern Science*, 4, 299–303.
22. Farmanov , J. Z., Rimboeva , N. X. qizi, & Rimbayeva , G. X. qizi. (2023). QISHLOQ XO‘JALIGINI RAQAMLASHTIRISHDA XORIJ TAJRIBASIDAN FOYDALANISH. *GOLDEN BRAIN*, 1(1), 231–236. Retrieved from
23. Farmanov J. UKRAINIAN EXPERIENCE IN DEVELOPING THE BEEKEEPING NETWORK IN OUR COUNTRY //European International Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2022. – Т. 2. – №. 09. – С. 66-69.
24. Ochilov, A. O., Ostonov, E., Shodiev, B. T., Ergashev, T. S., & Khakkulov, F. F. (2022). Modern Approaches To Management Of Training Of Highly Qualified Personnel In The New Uzbekistan Higher Education System. *Journal of Positive School Psychology*, 6(10), 2432-2442.
25. Шодиев Б.Т. ПРИОРИТЕТНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОГО ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ПАСТБИЩ // Экономика и социум. 2022. №10-1 (101). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/prioritetnye-napravleniya-effektivnogo-ispolzovaniya-pastbisich> (дата обращения: 28.02.2023).
26. Бердиев, А. Х., & Расулов, Х. К. (2020). Туризм-перспективный сектор экономики Узбекистана. *Economics*, (2 (45)), 14-18.
27. Nakimovich, B. A. (2021). Prospects for Innovative Agricultural Development. *Academic Journal of Digital Economics and Stability*, 350-356.
28. Туробов, Ш. А. (2021). ҚИШЛОҚ УЙ ХЎЖАЛИКЛАРИДА АЁЛЛАР МЕҲНАТИДАН ФОЙДАЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ. *Журнал Инновации в Экономике*, 4(5).
29. Turobov, S. A., & Faxriddinov, B. F. (2021). DEVELOPMENT OF HOME-ENTREPRENEURSHIP-GUARANTEES OF AGRICULTURE STRATEGY. *International journal of trends in marketing management*, 9(1).
30. Усанов, А., & Рахмонкул, Д. (2019). Ўзбекистон иқтисодий ривожланишида камерал назоратнинг тутган ўрни. *Экономика и финансы (Узбекистан)*, (11), 55-60.
31. Джалилов, Р. (2023). ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИ БЎЙИЧА ИМТИЁЗЛАР ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ. *Economics and education*, 24(2), 272-278.

32. Iskandarovich, R. R. (2022). QISHLOQ XO 'JALIGIDA AGROKLASTERLARINI BARPO ETISHNING XORIJ TAJRIBALARI. *Gospodarka i Innowacje.*, 24, 390-394.
33. Рашидов, Р. И., & Муртазаев, Н. Р. (2020). DIRECTIONS OF INNOVATIVE AGRICULTURAL DEVELOPMENT. *ЖУРНАЛ АГРО ПРОЦЕССИНГ*, 2(7).
34. TUYGUNOVICH, A. A., OGLI, S. O. A., & QIZI, K. Z. K. Problems of Improving Stock Market Trading Mechanisms in Uzbekistan. *JournalNX*, 6(07), 330-334.
35. Aliqulova, A. (2020). ANALYSIS OF THE ACTIVITIES OF SECURITIES OF COMMERCIAL BANKS AT THE RSE "TASHKENT". *International Finance and Accounting*, 2020(1), 13.
36. Маматов, А. А., & Хуррамов, А. Ф. (2017). Иностранные инвестиции как фактор экономического роста Республики Узбекистан. *Экономика и предпринимательство*, (10-2), 98-101.
37. Хуррамов, А. (2012). О монографии ИС Абдулаева «ПРОГНОЗИРОВАНИЕ СОЦИАЛЬНОГО РАЗВИТИЯ РЕГИОНА». *ва молия Экономика*, 50.
38. Хуррамов, А. Ф. (1993). Арендные отношения и пути их совершенствования в условиях перехода к рыночной экономике (на примере хлопководческих совхозов).
39. Узоков, Н., Хушмурадов, О. Х., & Бабаева, Л. (2014). РОЛЬ ИНВЕСТИЦИИ В МОДЕРНИЗАЦИИ И РАЗВИТИИ ПРЕДПРИЯТИЙ В УСЛОВИЯХ РЫНОЧНОЙ ЭКОНОМИКИ. In *ФЕНОМЕН РЫНОЧНОГО ХОЗЯЙСТВА: ОТ ИСТОКОВ ДО НАШИХ ДНЕЙ* (pp. 376-378).
40. Oman, X., & Alisherovich, T. S. (2022). THE ROLE AND IMPORTANCE OF CLUSTERS IN THE AGRICULTURAL SECTOR. *Gospodarka i Innowacje.*, 29, 202-206.